RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 6-dekabr ● Seshanba ● 148 (27.483) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

8 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини кўтаринки руҳда нишонлаш арафасида турибди. Бу қутлуғ сананинг аҳамияти ва қадри йиллар ўтгани сайин ўзининг улуғворлиги билан янада яққолроқ намоён бўлиб бораверади. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ билан Конституциямизнинг истиқлолимиз ва истиқболимиз ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Мустақиллик шарофати билан 1992 йил 8 декабрда ўзимизнинг янги Конституциямизга эга бўлдик, — дейди Б.Мустафоев. — Асосий Қонунимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. У Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий-маънавий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.

Албатта, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси аввало унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради. Шу маънода, Ўзбекистон Конституцияси — Ўзбекистон халқининг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир.

Конституцияни яратиш тарихига тўхталадиган бўлсак, ушбу ҳужжат лойиҳаси устида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги нуфузли комиссия икки йил давомида ишлади. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, билдирилган фикрлар билан бойитилди, сайқал топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил давлатимиз Конституциясини яратишда халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинди. Шунингдек, ривожланган демократик давлатларнинг Конституция яратиш тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Конституцияда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат каби фазилатлар ўз аксини топди. Қардошлик ва дўстлик анъаналари, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам Конституцияда муҳим ўрин тутади.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

(ИККИНЧИ КУН)

2005 йил 3 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ бир қанча қонунлар кўриб чиқилди. «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди. Бу қонун электрон тўловларни амалга оширишда тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги, яъни тўлов тизимининг аъзолари билан тўлов тизимидан фойдаланувчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Мазкур Қонуннинг айрим моддалари тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини, электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга бағишланган. Атрофлича муҳокама этилганидан сўнг қонун маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун муҳокама этилди ва маъқулланди. 2006 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур Қонунда экология солиғини ва айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимини бекор қилиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, иш ҳақи фондига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи шкаласи унинг ўртача ва энг юқори ставкаларини камайтириш ҳисобига ўзгартирилмоқда.

Сенат давлат бошқарув органларининг, хусусан тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашда, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда муҳим роль ўйнаётган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг тузилиши ҳамда фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қанча қонунларни кўриб чиқди. Шу муносабат билан Сенат «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунни маъқуллади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги, Тожикистон Республикасидаги, Франция Республикасидаги, Кувайт Давлатидаги Фавқулодда ва мухтор элчиларини вазифасига тайинлади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги, Тожикистон Республикасидаги, Украинадаги, Франция Республикасидаги ва Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиларини вазифасидан озод қилди.

Ялпи мажлисда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори билан Олий Мажлис палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2005 йил 11 декабрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабрь жумага кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 11 декабрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабрь жумага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 5 декабрь



МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Президентимизнинг куни кеча имзолаган «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори нафақат соғлиқни сақлаш соҳасида меҳнат қилаётган шифокор ва мутахассисларни, балки тиббий кадрлар тайёрланадиган ўқув муассасалари жамоаларини ҳам қувонтириб юборди. Дарҳақиқат, тиббиётимиз тараққиётига хизмат қилувчи мазкур қарор туфайли эндиликда соҳага бўлган муносабат ўзгаради, ёшларимизда шифокорликка бўлган қизиқиш ортади. Бу эса тиббиёт олийгоҳлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

2-3 бетлар

ЎзХДП янгиликлари

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

2005 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Қабул чоғида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Л.Ғуломов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари И.Кочмарик элчи жаноблари билан суҳбатлашдилар.

Самимий ва дўстона муҳитда ўтган суҳбат жараёнида томонларни қизиқтирган бир қатор, хусусан жамият ҳаётини демократлаштириш ва Ўзбекистонда вакиллик демократияси институтини шакллантиришга доир масалалар юзасидан қизғин фикр алмашувлар бўлди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Бугуннинг гапи!

ЕР ЭГАСИ ЭРТАГА КИМ БЎЛАДИ?

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШГАН ЧИНАКАМ ДЕҲҚОН БЎЛАДИ. ҚАЧОНКИ, ҚОНУНИЙЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ХОЛИСЛИК ТАЪМИНЛАНСА...

...Ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошкора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши жуда муҳимдир. Бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим.

Ислом КАРИМОВ

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда бу масалага нега бу қадар қатъиятлик билан эътибор бериб, фермерларга ғамхўрликни кун сайин кучайтириб бормоқда?

Моҳияти равшан. Бугунга келиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгармоқда. Фермерлик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгаллаб бормоқда. Зеро, кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини яққол исботлади.

Президентимиз шу йил 13 октябрь куни республикамизда пахта тайёрлаш шартномавий режаси бажарилганлиги муносабати билан Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида айтганларидек, **«Одамларнинг ўз ишига, ҳаётга муносабати ўзгариб, ерга, мулкка эгалик ҳиссиёти кучайиб бораётгани, заҳматкаш деҳқон меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий тадбирлар, қишлоқда асосий куч бўлмиш фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, шунинг ҳисобидан етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи айнан фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани бу фикрнинг яққол тасдиғидир».**

Қашқадарё вилоятидан бир мисол: Тўра Раҳмонов бош бўлган «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги бу йил 100 гектар экин майдонининг 45 гектарида ғалла, 55 гектарида ғўза парваришлади. Ер эгалари эртага ким бўлишларини обдон чуқур ўйлаб иш тутдилар. Ҳали эрта баҳордаёқ агротехник тадбирлар бошланиши олдидан: **«Биз мулкдор бўлишимиз керак!»** — деган шиорни ўртага ташлашди. Меҳнатлар зое кетмади. Ғалланинг ҳар гектаридан 82, пахтадан эса 61 центнердан ошириб сара ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 70 миллион сўм атрофида фойда олинди... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу рақамлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғли катта эканлигини исботлаб турибди. Шу боис, жорий йил бошида ҳукуматимиз томонидан зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш борасида қабул қилинган янги дастурга кўра 2005-2007йилларда 1100 та, жумладан, шу йилнинг ўзида 406 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш вазифаси белгиланди. Айни пайтда дастурда фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнларини тезлаштириш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилиб, уларга бўлғуси йил ҳосили ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш кўзда тутилди. Ва, энг муҳими — барча томонларнинг қабул қилинган шартнома мажбуриятларини бажариши юзасидан қатъий интизом ўрнатилиши кераклиги талаб қилинди.

Кейинроқ, аниқроғи, Юртбошимизнинг шу йил 8 ноябрдаги **«2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарорига кўра 428 та ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантирилиши белгиланди.

Чунки, жойлардан олинган таҳлиллар шуни кўрсатдики, **«Ер эгаси эртага ким бўлади?»** — деган саволга айрим вилоятлар ва туманлар даражасидаги ҳокимликлар ҳануз ошкоралик ва холислик нуқтаи назаридан жавоб беролмаяптилар. Жумладан, бу жараёнга кенг жамоатчилик тўла жалб этилмаяпти. Фермер бўлишга талабгорлар ўртасида етарли тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти, чинакам рақобат муҳити яратилмаётир...

Беш қўл баробар эмас... Айрим фермерликка талабгорлар ваъдани беришга бериб, умрида кетмон ушламаган бўлса-да, сўзамолликда «чечан»лик қилиб, амалий ишга келганда лафзларини унутиб қўймоқдалар. Масалан, Сирдарёдаги «Ўтарбой Абдуқодир» фермер хўжалиги ана шундай жамоалардан бири бўлди. Маҳсулот тайёрлаш режаси 50 фоизда қолиб кетди. Ҳар гектар ер майдонидан олинган пахта ҳосили зўрға 10 центнердан тушди. Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги «Ҳамдамбой», Қўрғонтепа туманидаги «Холбой ота», Булоқбоши туманидаги «Ҳабибахон» сингари фермер хўжаликларида ҳам манзара деярли шундай бўлди. Таассуфлар бўлсинки, бундай фермерларни республикамиз вилоятларининг ҳар бирида учратиш мумкин.

Яна бир хунук ҳолат: таҳририятларга жойларда баъзи туманларнинг ҳокимлари ерни талабгорларга тендер (танлов) асосида эмас, аксинча, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва энг ёмони — порахўрлик йўли билан пинҳона тарқатаётганликлари ҳақида шикоятлар келиб турибди. Қолаверса, бу ҳакда сўнгги 1-2 йил ичида бўлиб ўтган қатор халқ депутатлари вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида рўй-рост айтилди ҳам. Чунончи, мансабдор шахслар ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан юқори лавозимдаги раҳбарларнинг оила аъзоларига, яқин қариндошларига ва танишбилишларига ер участкаларини олиш учун ўтказиладиган танловларда сунъий равишда алоҳида енгил шароитлар яратиб бериш ҳоллари учраб турибди.

Биргина мисол: шу йил ўтказилган текширишлар якуни кўрсатдики, Тошкент вилоятида мансабдор шахслардан 17 нафари, шундан 5 нафари ҳокимлик идоралари ходими, 2 нафари ширкат хўжалиги раислари, 10 нафари бошқа мутасаддилар томонидан 822 гектардан зиёд ер майдонлари қонунга зид равишда уларнинг ўз яқинлари ва таниш-билишларига берилган...

3 декабрь куни Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси йиғилишида ва 5 декабрь куни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги анжуманда айни шу мавзу кенг таҳлил этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Жумладан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда декабрь-январь ойларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришда ошкоралик, адолат ва ҳаққонийликни таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Айни муддао! Зеро, бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ҳамда ислоҳ этиш экан, ерлар талабгорларга қонунда белгиланган тартибда, фақат танлов асосида берилиши, танловлар ошкора, жамоатчилик кузатуви остида, адолатли ва ҳаққоний ўтказилиши — бозор иқтисодиёти даврининг энг муҳим, энг долзарб талабларидан биридир.

Чунки, бугун ер кимга берилиши, ер эгаси эртага ким бўлиши уни нечоғли билимли, тажрибали (таъбир жоиз бўлса, қўллари кетмон тутиб қадоқ бўлган!) талабгорларга фақат ва фақат қатъий танлов (тендер) асосида берилишига боғлиқ.

Шунда айрим мансабдор шахсларнинг яқин қариндошлари ва таниш-билишларига сунъий равишда алоҳида енгил шароитлар яратиб беришлари эвазига аҳоли норозиликлари келиб чиқиши ҳоллари олди олинган, мазкур ҳолатларга сабабчи айбдорларга эса кескин қонуний чоралар кўрилган бўлади.

Шунда ер эгалари — фермерлар эртага мамлакатимизнинг чинакам мулкдорлари бўлиб, янги, муқим иш ўринлари яратилади.

Бу ўринда (мавриди келди!) мақсади, шиори «Ижтимоий ҳимоя, иш ва фаровонлик — барча учун!» — бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастурида айтилган мана бу сатрларни таъкидлаб ўтмоқ ўринли бўлар эди: **«Ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида бўшаётган кишиларнинг пишиқ-пухта рўйхатини олиш, туман ва вилоят ҳокимликлари даражасида ишга муҳтож кишиларнинг аниқ маълумотлар банкини юритиш».**

Ҳолбуки, Халқ демократик партиясининг эзгу ниятларидан бири: **«...токи, фермер хўжаликлари жўшқин ривожлансин; қишлоқ аҳолиси орасида ишсизлар ҳиссаси пасайсин; қишлоқда бозор, муҳандислик, коммунал ва ижтимоий инфратузилмалар яратилсин».**

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари этиб сайлансин:

Узоқ Бозорович Бозоров, Генжимурат Пиржанов, Сайёра Абдуллаевна Ҳакимова.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин:

Мансур Махмуджанович Ахмеджанов, Икрам Тухтамуратович Муслимов.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар: Худойқул Тожиевич Азизов Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари этиб;

Содигжан Кучкарович Зокиров, Улугбек Рабиткулович Ханназаров Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Исан Муртазаевич Мустафоев Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бахтиёр Тураджонович Гулямов Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Бахтиёр Султонович Урдашев Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шоқосим Исмонович Шоисломов Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Равшанбек Озодбекович Алимов Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

(Давоми 2-бетда)

8 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Давлатимиз раҳбари айтганидек, аввалambор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра бутунлай янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилган.

Конституциямиз, унинг муқаддимасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатни, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Бошқача айтганда, давлатимизнинг ҳуқуқий тизими марказида Конституция туради. Демак, давлатимиз фаолиятида қонунийликнинг амал қилиши учун асосий манба ҳам Бош Қомусимиздир.

Истиқлолнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда барча соҳаларни ўз ичига қамраб олган кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Мазкур жараёнда давлат ва жамият қурилишига доир ислоҳотларга алоҳида аҳамият қаратилди.

Конституциямизда Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шу принципга кўра, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият умумдавлат вакиллик органи ҳисобланиб, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқаради. Бу ҳокимиятни Олий Мажлис амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Булардан фарқли равишда, суд ҳокимияти, асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилади. Айни пайтда, суд ҳокимияти юқорида тилга олинган ҳар икки ҳокимиятдан, шунингдек, сиёсий партиялар, бирлашмалардан мустақил ҳолда фаолият юритади. Кези келганда, Конституциямизда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

2004 йилнинг декабрида Ўзбекистонда илк маротаба икки палатали парламентга сайлов бўлиб ўтди. Бу улкан ижтимоий-сиёсий, тарихий воқеа мамлакатимизнинг очиқ, эркин ва демократик сайловни таъминлаш йўлидан оғишмай бораётганини жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор намойиш этди. Унда сайловчиларнинг 85 фоизидан ортиғи қатнашди. Айниқса, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги ўринлар бўйича кескин рақобатда, округларнинг деярли 77 фоизида, бир депутатлик мандати учун 4 тадан 6 тагача номзод кураш олиб борди. Сайловда дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан 228 хорижий кузатувчи қатнашди.

Миллий қонунчилик, халқаро меъёр ва стандартларга тўла мос ҳолда ўтган сайловлар Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганини жаҳон афкор оммасига рўй-рост намоён этди.

Истиқлол йилларида давлат бошқарувининг замонавий тизимини шакллантиришга эришилди. Бу эса Президентимиз Ислом Каримовнинг демократик жамият асосларини қуришга қаратилган қатъий, изчил сиёсатининг самараси сифатида рўёбга чиқди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорликнинг, мамлакатда туб ўзгариш ва янгиланишларга кенг имкониятлар туғдирган ислоҳотларнинг меъмори ва асосчисидир.

— Конституциянинг 89-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир», дейилган...

— Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат бошқарув усулининг Президентлик бошқарув модели, яъни шакли қарор топдики, бу мазкур замонавий бошқарув тизимининг ўзаги ҳисобланади. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республикамизнинг қатъий позициясидир.

Бу, таъбир жоиз бўлса, ўтмиш йилларининг хатоларини, давлат тизимининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу — таркиб топган ижтимоий воқеликка нисбатан берилган баҳо. Бу — Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилиши инъикосидир.

Халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланган Президент давлат раҳбари сифатида ҳукуматни тузади ва унинг фаолиятини бошқаради. Ҳукумат эса Президент сиёсатини амалга оширади.

Президентлик бошқарув шакли мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақият билан амалга оширилишида асосий кафолат вазифасини ўтамоқда. Президентлик бошқаруви туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви жадаллашди, мамлакатни тоталитар тузумга томон буриб юборувчи чекланиш ва хатоликлар бартараф этилди. Энг муҳими, инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари тўла рўёбга чиқишига ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Халқимизнинг мустақиллик учун, озод ҳаёт учун олиб борган курашлари осон кечгани йўқ. Ўтган ўн тўрт йилда рўй берган воқеалар мамлакатимизда Президентлик институти жорий этилгани нақадар тўғри бўлганини исботлади. Истиқлол йилларида давлат бошқарувининг халқаро тан олинган андозаларига ўтилгани, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ривожлантирилгани, бошқарувнинг демократлаштирилаётгани шундан далолатдир.

— Президентимиз Мустафоевич, фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир конституциявий қоидаларнинг мазмун-моҳиятини ҳам шарҳлаб берсангиз.

— Даставвал, Конституциямизда ана шу уч муҳим институт — фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилганини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Асосий Қонунда қайд этилганидек, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар. Собиқ тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмасди.

Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Ушбу принцип шуни англатадики, барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Ўз галида, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу — ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

Юртбошимизнинг ушбу теран фикрларида давлат қурилишининг асосий йўналишлари аниқ таърифлаб берилган. Зотан, давлат бош ислоҳотчи сифатида жамиятни либераллаштириш билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилаши боис, мамлакатимизда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатларни эркинлаштириш учун кенг имкониятлар туғилди.

Бунинг натижасида давлат ва жамият ҳаётида ғоятда муҳим аҳамият касб этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, сиёсий партияларнинг фаолланишувига шарт-шароитлар яратилди.

Бу эса ўз-ўзидан давлатнинг назоратчилик вазифаси аста-секин камайиб, айни масъулият жамоатчилик зиммасига ўтишига, яъни жамоат назорати кучайиб бориши орқали фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий талаблари адо этилишига замин ҳозирлади.

Мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди.

— Конституциянинг ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштиришга доир ислоҳотларда тутган ўрни ҳамда аҳамиятига тўхталсангиз.

— Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Шу маънода, 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Асосий Қонунимизга киритилган мазкур тузатишлар, бир томондан, Конституциямизнинг нечоғли барқарор эканлигидан далолат, иккинчи томондан, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги йирик қадам бўлиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Бугун Ўзбекистон давлат ва жамият қурилиши соҳасида ўз тараққиётининг муҳим босқичига кирди. Мамлакатимизда тадрижий равишда ва изчиллик билан амалга оширилаётган эркинлаштириш сиёсатининг самараси ўлароқ, мамлакат Президентининг айрим ваколатлари ҳукумат, Олий Мажлис ҳамда қуйи маҳаллий ҳокимият бўғинларига ўтмоқда. Айниқса, бу ваколатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмалари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларига давомли тарзда ўтаётгани чинакам фуқаролик жамиятини шакллантириш учун кенг имкониятлар яратади.

Конституциянинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидандир. Ислом Каримов 2005 йил 18 январь куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида эътироф этганидек, ўтган сайловлар халқимиз сиёсий савияси етуклигини намоён қилди.

Мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлган бу сиёсий тадбир Конституциямизда белгилаб қўйилган қоидаларга тўлиқ мос тарзда ўтгани билан ҳам тарихий аҳамиятга эга. Сайлов жараёнларида сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг фаоллиги айниқса кўзга яққол ташланди. Сайловларда иштирок этган барча партиялар парламентнинг Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил қилишга эришгани ҳам шундан далолатдир.

Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш сиёсатининг яна бир қирраси — истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган судҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун бу соҳадаги демократик ислоҳотларнинг ҳақиқий намунасидир.

Кейинги йилларда муайян жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилгани жиноий жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил, тадрижий ва узлуксиз давом эттирилаётганини кўрсатади. Президентимизнинг 2003 йил 26 сентябрдаги «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан жиноий қонунчиликка муҳим ўзгартиришлар киритилди.

Конституция қоидалари, шунингдек, ижобий ўзгаришлар жараёнига асос қилиб олинган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун» деган ғоя суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишлар учун ҳам бош мезонга айланди. Шахс дахлсизлигини кафолатлаш, инсон ҳуқуқининг суд томонидан таъминланишига эришиш ҳуқуқий ислоҳотларнинг янги босқичидаги асосий вазифалар этиб белгиланди.

Бу йўлдаги эзгу интилишларимиздан кўзланган асл мақсад-муддаоларимиз Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари мисолида яна бир бор яққол намоён бўлди.

Юртдошларимиз Президент фармонларининг моҳияти ва аҳамиятини теран англаб, уларни ҳамжиҳатлик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Зотан, бу фармонлар замирида, аввалambор, инсонпарварлик, адолатпарварлик, бағрикенглик каби халқимиз табиатига мос олижаноб фазилатлар мужассамдир.

Мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва натижаларимиз, ўз навбатида, ҳар биримиздан жамиятни демократлаштириш ва янгилашда, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда ўз ҳиссамизни қўшишни талаб қилмоқда, бунёдкорлик саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришни ҳамда бошлаган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттиришни тақозо этмоқда. Халқимиз ўзи орзу қилган буюк марраларга етишида Асосий Қонун — Конституциямиз мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаверади.

ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

Таълим ва ислоҳот

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР —

Хоразм воҳасида илм-фаннинг тараққиёти қадим илдизларга — Маъмун Академияси фаолият кўрсатган даврларга бориб тақалади. Дунёнинг Шарқ ғарбини Буюк ипак йўли билан боғлаган бу тупроқда бундан 1000 йил олдин ташкил этилган мазкур академия воҳада илм-фаннинг гуллаб-яшнашига замин яратди. Хоразмшоҳ Маъмун асос солган мазкур «Байт ул ҳикма» — донишмандлар уйида алжабр, риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, фалсафа, тиббиёт каби фанлар юксак ривожланиб, илмий-ижодий муҳит қарор топган. Ўша даврда ал-Беруний, ал-Хоразмий, ибн Синодек машҳур сиймоларнинг қутлуғ қадами теккан бу муборак заминда бугун ҳам илмий-ижодий изланишлар самарали давом этмоқда.

Хусусан, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида олий таълим бакалавриат босқичининг даволаш иши, педиатрия иши ва олий маълумотли ҳамшира йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш изчиллик билан олиб борилмоқда. Ҳозирда институтда 150 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар, шундан 15 фан доктори, 55 нафар фан номзодлари 1061 нафар талабага таълим-тарбия бермоқда. Илм зиёсига ҳамоҳанг интилаётган бу ёшларнинг орзулари баланд, ниятлари улуғдир. Уларга билим бериш ўқув юртининг 27 кафедра ва бўлимларида амалга оширилмоқда.

Филиалимизда таълим жараёни амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилиб, клиник кафедраларимиз вилоят шифохоналари, хусусан вилоят 1-сон клиник ҳамда болалар шифохоналари, вилоят туғуруқ мажмуи, Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, юқумли касалликлар, кардиология, онкология, эндокринология каби даволаш муассасаларида жойлашган. Бу шифохоналарда талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашлари учун зарур барча шарт-шароит яратилган.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва кадрлар сифатини оширишдан иборат бўлиб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган тажрибали кадрлар тайёрлаш аввалambор юқори малакали профессор-ўқитувчиларни тақозо этади. Шунга асосан, филиалимизда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 25 нафар ўқитувчимиз халқаро ташкилотлар томонидан ташкил қилинган «Саломатлик» ва «Здрав Плюс» лойиҳалари асосида ўтказилган ўқув-семинарларда қатнашиб, халқаро сертификатга эга бўлдилар. Шунингдек, икки нафар ўқитувчимиз Украинанинг Тернополь тиббиёт академиясида ўз билим ва малакаларини ошириб келдилар.

Ўқув юртида «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича ташкил қилинган Умумий амалиёт шифокорлари тайёрловчи ўқув маркази соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида умумий амалиёт шифокори тайёрлаш кафедраси қошида тузилди ва у Урганч шаҳар тиббий муассасалар бирлашмасига қарашли Марказий поликлиника базасида жойлаштирилди.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ҳамидулла Садуллаевич Караматов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Равшанбек Озодбекович Алимов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

— — — — — — — —

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Абдурафик Абдувалиевич Хошимов Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Анвар Саидович Салихбаев Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри, 2005 йил 3 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 6 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	872,89	1 Малайзия рингити	309,76	1 ЕВРО	1369,18
1 Англия фунт стерлинги	2025,90	1 Польша злотийси	354,00	10 Жанубий Корея вони	11,27
1 Дания кронаси	183,81	1 СДР	1661,80	10 Япония иенаси	96,53
1 БАА дирхами	318,83	1 Туркия лираси	863,92	1 Россия рубли	40,43
1 АҚШ доллари	1171,04	1 Швейцария франки	887,42	1 Украина гривнаси	231,89
1 Миср фунти	203,66				
1 Исландия кронаси	18,32				
1 Канада доллари	1007,95				
1 Хитой юани	144,99				

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Табиат ва инсон

ШАМОЛ

ЁКИ ҚАЙТАЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ

Олимларнинг таъкидлашича, бугунги кунда ҳудудимизда атроф-муҳит, атмосферанинг ифлосланиши асосан ёқилғи-энергетика ресурсларидан нотўғри фойдаланиш туфайли рўй берар экан. Хўш, бу муаммонинг ечими борми?

Академик Жўра АБДУЛЛАЕВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда сайёрамиз экологик хавф қуршовида эканлиги ҳақида кўп гапирямиз. Айниқса озон қатламининг сийраклашиши муаммоси ва шунинг баробарида қайталанувчи энергия хусусида фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Қайталанувчи энергия нима?

— Қайталанувчи энергия тушунчаси бизга инглиз тилидаги «Restore cnergy» атамаси орқали кириб келган. Яхшиси бу саволингизга қуйиророқда жавоб берсам. Шу пайтгача биз электр энергияси ва ундан ҳосил бўладиган бошқа энергия турлари ҳақида кўпроқ тасаввурга эга эдик, яъни фақат ёқилғи ресурслари — газ, нефть, кўмирдан фойдаланиб келганмиз.

Жаҳон миқёсида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатяптики, инсон табиий ресурслардан шу аҳволда фойдаланишда давом этса, бу бойликларнинг захираси узоғи билан 80-100 йилга етади, холос. Ўзбекистонда эса табиий газ захиралари 40 йил, нефть эса 20 йилдан сўнг кескин камайиб кетиши мумкин. Чунки инсоният борган сари ёқилғи энергиясидан кўп ва палапартиш фойдаланяпти.

Ер юзида аҳоли сони ошиб, саноат ўсиб боряпти. Демак, ёқилғи сарфи ҳам ортиб кетаверади, оқибатда табиий ресурслар тугаши мумкин. Хўш, келажак авлодлар қайси энергия базаси ҳисобига ҳаёт кечиради? Бу биринчи масала бўлса, яна бир муҳим томони, мана шу ёқилғи ресурслари ёқилганда машина, иситиш қозонимиз, электр станцияларидами, барибир, заҳарли газлар пайдо қилиб озон қатламининг сийраклашувига сабаб бўлади.

Ёқилғи энергетикасининг ҳавода ҳосил қилаётган «иссиқхона»си таъсирида ер юзида иқлим ўзгариши, глобал исиш ҳодисаси юз беряпти.

Демак, биз ёқилғи энергетикасини тежаш билан аввало атмосферани ифлосланишдан сақлаймиз, келажак авлод учун ер, сув, табиий ресурсларни асраб қоламиз.

— Айтинг-чи, бунга қандай эришилади?

— Биз бу муаммони айнан, қайталанувчи энергиядан фойдаланишга ўтиш орқали ҳал этамиз. Бу шундай энергия турларики, улар инсон ўзлаштиргани билан камайиб, йўқолиб бормайди, табиий равишда қайта пайдо бўлади, ўзини ўзи тўлдиради. Мана, Қуёш энергиясини олинг, токи у ёруғ оламга нурини сочавераркан, энергияси ҳам пайдо бўлаверади. Ёки шамол энергияси. Денгиз бўйларида, тоғ ва ясси тоғликларда унинг энергиясидан фойдаланишимиз зарур.

Шу давргача биз катта дарёларга улкан тўғонлар солиб, гидростанциялар қуриб, электр манбаларини яратардик. Энди эса кичик дарёлар, сойларга ҳам ўзига мос генератор, тизимлар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Кичик, яъни микрогидроэлектростанциялар барпо қилишга ўтишимиз керак. Натижада биз қаерда сув бўлса ўша ҳудудни электр энергияси билан таъминлаш имкониятига эга бўламиз.

Яна бир масала, табиатдаги қанча биомассадан фойдаланилмайди. Мана, ғўзапояни олайлик, агар билсак, у бойлик, катта иқтисодий фойда келтириши мумкин. Чунки биз ғўзапояни ерни шудгорлаб тупроққа қориштириб ташлаймиз. Амударё, Сирдарё бўйлари ва бошқа сув ҳавзаларида қамишзорларимиз бор, уни газга айлантириб фойдаланиш ёки яна электр энергияси ҳолатига келтириб ишлатиш мумкин-ку.

Маълумки, ўтган асрнинг 60-70-йилларида техника ва технология тараққиёт чўққисини забт этди. Ўша даврлардаёқ хорижлик олимлар қандай қилиб қайталанувчи энергиядан фойдаланиш мумкинлиги хусусида тадқиқотлар ўтказа бошлашди. Натижада денгиз бўйларидаги мамлакатларда, айтайлик, Голландияда, Германияда шамол тегирмонларидан самарали фойдаланишга эришилган. Аммо унинг фойдали коэффициенти кам, тизимнинг ўзи мураккаб. Кейинги 30 йил ичида эса улар шамол генераторларини қуришга эътиборни қаратишди.

Дунёда охирги 40 йил ичида шамол генераторлари ясаш учун ишлатиладиган энг замонавий, зарарсиз, тез ишлайдиган эҳтиёт қисмларини тайёрлашга ихтисослашган бир қанча марказлар қурилди. Ҳозир жаҳондаги кўпгина мамлакатлар шамол генераторларини ишлатиш орқали катта иқтисодий фойда кўришяпти. Шимолий денгиз бўйларидаги — Англия, Голландия, Германия, Норвегия каби давлатларда шамол генераторларидан кенг фойдаланишади.

Дунёда шамол генераторларини ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръатига аҳамият берсак, 2000 йилда дунёда 2600 киловатт қувватга эга бўлган шамол генераторлари ишлаб чиқилди ва қурилди. 2002 йилда эса 6200 киловатт қувватга эга бўлган шамол генераторлари яратилди.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қайталанувчи энергиядан, айтайлик, қуёш энергиясидан қандай фойдаланиляпти?

— Ўзбекистонда бу соҳада марҳум академик Содиқ Азимов раҳбарлигида дастлабки қадамлар ташланганди. Маълумки, жаҳоннинг ривожланган давлатларида олимлар қайталанувчи энергиядан фойдаланиш борасида янги технологияларни яратишяпти. Данияда ишлаб чиқарилган ана шундай янги технология пойтахтимиздаги «Фотон» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ишга туширилди.

Қуёш энергиясини электр ва иссиқлик энергиясига айлантириш йўлида ЎзРФАнинг Физика-техника институтида, бизнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фан-техника ҳамда маркетинг тадқиқотлари марказимизда илмий изланишлар давом этяпти.

ДАВР ТАЛАБИ

Унда Тошкент ва Эстонияда ўқиб, малакасини ошириб келган профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Марказнинг асосий мақсади бирламчи соғлиқни сақлаш тизимига, қишлоқ врачлик пунктларига махсус тайёргарлик ўтаган юқори малакали умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаб беришдир. Шу кунгача тизимда фаолият кўрсатувчи 65 та махсус сертификатга эга бўлган шифокор-мутахассислар тайёрланди.

Илмий изланишларни замон талаблари даражасида олиб бориш мақсадида филиал жамоаси республикамиздаги етакчи тиббиёт институтлари ва илмий текшириш марказлари билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда Россия Федерациясининг Самара, Санкт-Петербург ва Украинанинг Тернополь тиббиёт академияси билан илмий алоқалар йўлга қўйилиб, натижада бугунги кунда 1 та докторлик ва 2 та номзодлик ишлари ҳамкорликда бажарилмоқда.

Филиалимизда тиббиётнинг долзарб муаммоларига, ижтимоий-гуманитар фанларнинг тиббиёт олий ўқув юртларида ўқитилишига бағишлаб ўтказиб келинаётган қатор илмий-амалий анжуманлар профессор-ўқитувчиларнинг илмий изланишларини такомиллаштириш борасида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Олиб борилаётган маънавий ва маърифий ишларнинг асосий мақсади талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга, уларда миллий ғурур, туйғуларини уйғотишга, Ватан ва миллат олдидаги фуқаролик бурчи ва вазифаларини англаш ҳиссини қарор топтиришга қаратилган.

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, башарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита шу халқ фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир. Шу боис ўқув юртида талабаларнинг билимини ошириш, маънавий дунёсини шакллантириш билан бир қаторда, уларнинг спорт билан шуғулланишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташкил этилган спорт клуби аъзолари спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш каби турлари билан фаол шуғулланадилар.

Ўқув юртида барча қулайликларга эга 250 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ошхона мавжуд. Замонавий адабиётлар билан таъминланган, Интернет тармоғига уланган кутубхона талабаларнинг севимли масканига айланган. Улар маърузаларнинг электрон матнларидан фойдаланиб, олган билимларини мустаҳкамлайдилар.

Бундан икки йил олдин вилоят 1-сон клиник шифохонасидаги жарроҳлик кафедраларига янги компьютерлашган видеотизим ўрнатилиб, талабалар ўқув хонасида ўтириб, операция жараёнини тўғридан-тўғри кузатиш имкониятига эга бўлдилар. Ёшларнинг фанларни ўзлаштиришини енгиллаштириш ва билимини янада мустаҳкамлашларига эришиш мақсадида юқори малакали профессор-ўқитувчилар томонидан 300 га яқин ўқув-услубий қўлланмалар, 6 та дарслик яратилди.

Юртбошимиз миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ҳақида таъкидлар экан, **«Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатлар ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир»**, — дея уқтирадилар. Шундай экан, биз бор билимимиз, куч ва имкониятларимизни мана шу ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратишимиз, малакали мутахассис кадрларни тарбиялашда юртимиз ва дунё тиббиёти эришган барча илмий ютуқлардан оқилона фойдалана билишимиз зарур, деб ўйлайман.

Бахтиёр ДЎСЧАНОВ,
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали директори, профессор, ЎзХДП аъзоси, вилоят Кенгаши депутати

ҒОЛИБЛАР САМАРҚАНДДА АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимиз Бош Қомуси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган Умуммамлакат оммавий марафони қадим Самарқандда якунига етди

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу оммавий спорт ҳаракатига ўтган йили асос солинган эди. Бундан кўзланган мақсад, аҳоли ўртасида енгил атлетикани оммавийлаштириш, спортни кундалик эҳтиёжга айлантиришдир. Маълумки, ўтган йили марафон пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида якунланган эди. Бу йилги оммавий спорт ҳаракати Нукус — Урганч — Бухоро — Навоий — Самарқанд; Термиз — Қарши —Бухоро — Навоий — Самарқанд; Наманган — Андижон — Фарғона — Ангрен — Тошкент — Гулистон — Жиззах — Самарқанд йўналишлари бўйича бўлиб ўтди.

— Умуммамлакат оммавий марафони финал босқичи жойининг ўзгартирилишидан мақсад шуки, спорт орқали ёшларни юртимизнинг тарихий обидалари билан таништиришдир, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиқов. — Яна бир янгилик шундан иборатки, ғолибларни аниқлашда асосий эътибор ҳудудлардан қанча аҳоли спорт тадбирида иштирок этганлигига қаратилди.

Самарқанд шаҳрининг юраги бўлмиш Регистон майдонига етиб келган марафончиларни шаҳар аҳли ва талаба-ёшлар олқишлар билан кутиб олдилар. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти вакиллари биринчи, Наманган ва Фарғона вилоятлари марафончилари кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

Шахсий биринчиликда самарқандлик Руслан Носиров ғолиб бўлган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни Андрей Сорокин (Сурхондарё) ҳамда Элёр Ўктамов (Андижон)лар қўлга киритди. Хотин-қизлар ўртасида эса биринчи ўринни самарқандлик Зарина Мамедова эгаллади. Светлана Каримова эса «Марафон маликаси» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди.

— Спорт билан шуғулланган одам соғлом бўлади, — дейди андижонлик Элёр Ўктамов. — Ҳукуматимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортни оммавий ҳаракатга айлантиришга бўлаётган эътибордан мамнунмиз. Ушбу марафонда эркаклар ўртасидаги беллашувларда фахрли учинчи ўринни қўлга киритдим. Марафон баҳонасида Самарқанднинг бетакрор қадимий ёдгорликларини томоша қилдик. Бир сўз билан айтганда, марафон менда катта таассурот қолдирди. Ўз навбатида тадбир ташкилотчиларига раҳмат, деймиз.

Ҳа, Самарқандда ниҳоясига етган катта спорт байрами таассуротлари ҳали кўп эсланади. Энг муҳими, марафон баҳона спортчилар сони ортди, югурганлар соғлиги яхшиланди. Оммавий марафондан кўзланган мақсад ҳам шунга қаратилган эди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ВА ҚУЁШ

ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Олимларимиз сув иситишга мўлжалланган қуёш коллекторларининг маҳаллий ишлаб чиқариш технологиясини амалиётга татбиқ этишяпти. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти ва пойтахтда сув иситиш учун қуёш коллекторларидан электр энергиясини олишда ФЕС 100/12 фотоэлектрик қурилмадан амалиётда фойдаланиш бошланди.

Айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланиш яхши иқтисодий самара берадиган истиқболли йўналиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунё олимлари қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш коэффициентини ошириш устида тадқиқотлар олиб боришмоқда. 2004 йилнинг сентябрь ойида АҚШнинг Колорадо штатидаги Деневер шаҳрида XII Жаҳон қайталанувчи энергиялар конгресси бўлиб ўтди. Унда америкалик мутахассисларнинг шу коэффициентни 60 фоизга ошириш устида олиб борган илмий ишлари самарали натижа берганлиги маълум қилинди. Агар фойдаланиш коэффициенти 13-15 фоизга ошса яхши натижага эришилади.

Бу борада республикамизда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бизнинг марказимиз халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда республикамизнинг тоғ, чўл ҳудудларида жойлашган алоқа тизимларимизда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш қурилмалари барпо этилди. Марказимиз 2000 йилда Европа Комиссиясининг гранти асосида Чорвоқда қуёш ва шамол энергиясидан биргаликда фойдаланиб, электр энергиясининг 5 киловаттли тизимини қурди.

Дунё тажрибасида шамол ва қуёш генераторидан алоҳида фойдаланилади. Ўзбек олимларининг эса қуёш ва шамол энергиясини бир тизимга солиб фойдаланиш устида олиб борган илмий изланишлари самарали якунланди. 1996 йилда Францияликлар бу лойиҳага қизиқиб қолишди ва биргаликда шу тизим қурилди.

Ҳозирда биз шамол генераторларини, фотоўзгартгичларни четдан сотиб оляпмиз. Келгусида эса янги технологияларни ўзимизда яратамиз ва бунга имкониятимиз етарли.

— Сиз яқинда хорижий сафардан қайтдингиз. Халқаро анжуманда қандай масалалар кўрилди?

— БМТ Ривожланиш дастурининг «Атроф-муҳит муҳофазаси» лойиҳаси доирасида қайталанувчи энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидалари яратиляпти. ЮНЕСКО қошида тузилган Жаҳон қайталанувчи энергиялар мажмуаси ёрдамида ҳар йили юзлаб семинар, конференция, конгресслар ташкил этилади. 1959 йилдан буён бизнинг олимлар ҳам бу анжуманларда иштирок этиб келяпти.

Шу йил Шотландияда бўлиб ўтган «Қайталанувчи энергия — 2005» халқаро конгрессида қатнашдим. Конгрессда 40 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этди, олти кун ичида 5 та гуруҳга бўлиниб маърузалар тингланди. Биз биринчи куниёқ шамол энергияси гуруҳида маъруза қилдик, сўнгра бошқа гуруҳдаги маърузалардан хабардор бўлмоқчи эдик. Лекин, Конгресс ташкилотчилари тўсатдан бизни қуёш энергияси гуруҳига биринчи маърузачи қилиб тайинлашди. Чунки бутун дунё олимлари, мутахассислари Ўзбекистонга қизиқиб қолишди, маърузаларимизни чуқур таҳлил қилишга киришиб кетишди. Уларда бизнинг тажрибаларимизга қизиқиш ортди, қатор ташкилотлар билан алоқа боғладик. Танзаниялик олимлар ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди.

— Муаммолар-чи?

— Муаммо эмаску-я, лекин ҳали бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар бор. Бу борада кўп илмий тадқиқотлар қилиняпти, аммо қайталанувчи энергиядан фойдаланишда республикамизда умумий кенгаш ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда бу йўналишдаги ҳамма масалалар мувофиқлаштирилади.

Кези келганда, бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Мутахассис сифатида кузатишимча, шу пайтгача Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг вазифаси асосан текшириш ва назорат қилишдан иборат бўлиб келган. Ваҳоланки, уларнинг давлат томонидан тасдиқланган иш йўриғи, қоидасида энергия ресурсларини тежаш устида ишлаши керак, деб белгилаб қўйилган. Ана шунда улар қайталанувчи энергиядан фойдаланишда фаол таъсир кучига эга ташкилотга айланади. Яна бир мулоҳаза. Бу соҳага тадбиркорларни, яъни кичик бизнесни жалб қилиш керак. Мана тоғ, чўл, дашт ҳудудларимизда кичик қишлоқларимиз бор. Ана шундай жойларда аҳолига газ, электр, ичимлик суви етишмайди. Улар электрни дизель орқали олишади. Уларга шамол ва қуёш энергияси қайталанувчи энергияда ишловчи генераторлар қуриш керак.

— Кўпроқ биз ҳозир бу соҳанинг афзаллиги ҳақида фикр юритяпмиз. Айтингчи, қайталанувчи энергия бизга қандай иқтисодий фойда беради? Айтайлик, электр энергиясининг баҳоси тушадими? Атроф-муҳит, ҳавони ифлослантирмайдими?

— Иқтисодий фойдаси бор. Мана, оддий мисол. Ўша чўлдаги қишлоққа қайталанувчи энергия генераторини қурган тадбиркор узоғи билан 7 йилда сарфлаган маблағини қоплайдиган фойда олади. Бу ёғига аҳолига қайталанувчи энергияга асосланган генератор электр энегиясини бепул яратиб беради. Арзон ва қулай. Бу соҳада кичик тизимларни қуриш кўпроқ фойда беради. Шунинг учун аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини муҳофаза қилишда қайталанувчи энергиянинг афзаллиги катта. Эътиборлиси, қайталанувчи энергия табиатга, экотизимга салбий таъсир қилмайди.

Қайталанувчи энергиядан фойдаланиш глобал иқлимий ўзгариш, ҳароратнинг кўтарилишидан инсониятни муҳофаза қилиш, келгуси авлодларга табиат, атроф-муҳитни соф сақлаш, табиий ресурсларни тежашга хизмат қилади.

Суҳбатдош: Санда САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

XORIJDA

✓ РОССИЯ

Перм ўлкасининг Чусовой шаҳрида «Дельфин» номли бассейннинг томи қулаб тушиши оқибатида ҳалок бўлганлар сони ўн тўрттага етди.

Россия Фавқулодда ҳолатлар вазирлигининг ҳудудий бошқармаси вакилининг маълумот беришича, бассейн ичига қулаб тушган бетон устунларнинг тагида 10 нафар ёш бола ва 4 аёлнинг жасади топилди. Ҳалок бўлганларнинг шахси аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

✓ ГЕРМАНИЯ

Германия полицияси 6 террабайт (6114 гигабайт) медиамаҳсулотга ноқонуний равишда эгалик қилган гуруҳ фаолиятини бартараф этди. Бешта серверда жойлаштирилган компьютер дастурлари ва фильмларнинг ноқонуний нусхалари Баварияннинг Кобург шаҳрида полиция томонидан олиб қўйилди.

Серверлар бир йилдан ошиқроқ муддат давомида фаолиятда бўлиб, истовчиларга пул эвазига архивлардан фойдаланиш имконини берган.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Европада элликка яқин ана шундай ноқонуний гуруҳлар фаолият юритади. Жиноятчилар асосан медиамаҳсулотлар хавфсизлик кодларини бузиб, уларнинг ноқонуний нусхаларини тайёрлаш билан шуғулланади.

✓ ИТАЛИЯ

Италия қор бўрони ва кучли ёмғирлар қуршовида. Венеция марказидаги шаҳарнинг тарихий қисми 70 фоиз сув тагида қолди. Сан-Марко майдонида ярим метр баландликда сув оқиб ўтмоқда.

Бунинг оқибатида мамлакатнинг баъзи темир йўл магистраллари тўсилиб қолди, автомобиль қатнови ҳам издан чиққан. Миланда жамоат транспорти қатнови тўхтатилган.

✓ ИСРОИЛ

Исроил бош вазири Ариэль Шарон етакчилигидаги «Кадима» партияси сайловда ғалаба қозонса, «Авода» партиясининг собиқ етакчиси, Шаронни қўллаб-қувватлаётган сиёсатчилардан бири Шимон Перес мамлакат ҳукуматидаги истаган мансабни танлаб олиши мумкин экан. Бу ҳақда Шароннинг ўзи маълум қилди. Перес Фаластин — Исроил муносабатларида асосий роль ўйнаши лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Перес ўз томонидан Шарон билан «буюк ҳамкорликка» қадам қўяётганини билдириб, бу қадам Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини ишлатишга қаратилган бўлишини айтиб ўтди.

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВЛАРИ:

ИККИНЧИ БОСҚИЧГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

Ўтган якшанба куни Қозоғистон Республикаси президентлигига бўлиб ўтган сайловлар кутилмаган натижаларни келтиргани йўқ. Ижтимоий сўровлар кўрсатганидек, давлат раҳбари Нурсултон Назарбоев биринчи босқичдаёқ ғалаба қозонди. Дастлабки маълумотларга қараганда, сайлов участкаларига келган қозоғистонликларнинг 91 фоиздан кўпроғи унинг учун овоз беришган. Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Тлеухан Кабдрахманов шу ҳақда маълум қилди.

Президентликка бошқа номзодлар тўплаган овозлар натижалари сезиларли даражада камроқ. «Адолатли Қозоғистон учун» демократик кучлар блокидан номзод Жармахан Туякбай 6,64 фоиз овоз билан иккинчи ўринни эгаллади. «Ак Жол» демократик партиясидан номзод Алихан Байменов эса сайловчиларнинг 1,65 фоиз овозини тўплади. Коммунистик халқ партияси вакили Ерасил Абилкасимов ҳамда ўз номзодини мустақил равишда илгари сурган Мэлс Елеусизовларнинг ҳар бири сайловчиларнинг ярим фоиздан камроқ овозини олишган.

Бўлиб ўтган президентликка сайловлар сайловчиларнинг юқори даражадаги иштироки билан ажралиб турди – унда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 75 фоиздан кўпроғи қатнашди, сайлов кампанияси давомида ошкоралик ва очиқ-равшанлик, сайловолди ташвиқотларини олиб боришда президентликка номзодларга теппа-тенг имкониятлар таъминланди.

Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан 1,6 мингдан зиёд, Қозоғистон сиёсий партиялари ва ижтимоий бирлашмаларидан 20 мингдан ортиқ кузатувчи, шунингдек, юзлаб қозоғистонликлар ҳамда чет эллик журналистлар мазкур сайлов жараёнларини кузатиб бориш имконига эга бўлдилар. Улар томонидан сайлов қонунчилиги ва сайлов тартиботларининг жиддий бузилиши ҳоллари қайд этилмади. Россия Давлат думаси раисининг ўринбосари, МДҲ Парламентлараро ассамблеясидан кузатувчилар гуруҳининг мувофиқлаштирувчиси Владимир Пехтин «Президент сайловлари эркин тарзда ўтди, бизнинг миссиямиз жиддий қоидабузарликларга дуч келгани йўқ», дея қайд этди. МДҲ кузатувчилари миссияси раҳбари Владимир Рушайло эса бўлиб ўтган сайловларни «қонуний ва адолатли», дея баҳолади.

«Жаҳон» АА

Хусусий тадбиркор Қориева Гулмира Асқаровна Фарғона вилояти Бешариқ тумани Олтин водий кўчасида жойлашган Бешариқ матлубот савдо акциядорлик жамиятининг 520 000 (Беш юз йигирма минг) дона оддий Низом фондига нисбатан 100 фоиз акцияларни сотиб олиш ниятини
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ВАТАН САЖДАГОҲДЕК МУҚАДДАСДИР
ЧАҒОНИЁН
ЭРКИН ФАОЛИЯТГА КАРОЛАТ
ДОИМИЙ ҚЎЛЛАНМАМИЗ

Обуна — 2006

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

Сурхондарё вилояти, Денов шаҳрида чиқадиган «ЧАҒОНИЁН» ижтимоий-сиёсий газетасига 2006 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Обуна барча почта бўлимлари ва «Матбуот тарқатувчи» бўлинмаларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинаётир.

Бизнинг «Ўзбекистон почтаси» очиқ турдаги акциядорлик компанияси ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг 2006 йил учун обуна каталогидаги нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 484
Ташкилотлар учун — 485

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ

Мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда янги

«МАРВАРИД» ҳамда **«ФАЙЗ БАРАКА»** омонат турларини таклиф этади.

«МАРВАРИД» — муддатли
— Сақлаш муддати — **6 ой**
— Фоиз даромадлари йиллик **36 %**
— Бошланғич бадал — **100 000 сўм**
— Фоиз даромадларини ҳар ойда олиш мумкин.

«ФАЙЗ БАРАКА» — муддатли
— Сақлаш муддати — **2 ой**
— Фоиз даромади йиллик **36 %**
— Бошланғич бадал — **200 000 сўм**
— Фоиз даромадлари ҳар ойда ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшиб борилади.

Омонатларга пул маблағлари **2006 йилнинг 1 январига қадар** Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

Барча баҳолаш компаниялари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2005 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ № 19-0409-4924-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН БАНКРОТ ДЕБ ҚАЙД ЭТИЛГАН «СУРХОН АДЖАНТА ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Баҳолашни тугатиш муддати — 5 кун.

Савдода қатнашиш учун эълон чоп этилгандан сўнг 10 кун давомида сўровнома билан мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Термиз шаҳри, Соатова кўчаси, 11-уй «Сурхон Аджанта ЛТД» қўшма корхонаси биноси.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати.

Танлов эълон матбуотда чоп этилган вақтдан 10 кун ўтгач юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади: Мурожаат учун телефонлар: 22-2-79-63, 22-2-83-61, 22-2-77-68.

Ашуров Шуҳрат Артикович Фарғона вилояти, Қува тумани, Қайқубод кўчаси, 81-уйда жойлашган «66-Қува автосарой» ОАЖнинг Низом фондига нисбатан 26,02 фоиз бўлган 25500 (йигирма беш минг беш юз) дона оддий акцияларини сотиб олишини маълум қилади.

Биз билган ва билмаган тарих

Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги сафарларидан бири Афғонистон заминида умргузаронлик қилган улуғ аждодларимиз ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятини тадқиқ этиш, уларнинг қабрлари ҳолатини ўрганишга бағишланди.

Экспедиция аъзоси, ёзувчи Қамчибек КЕНЖА ана шу сафар таассуротлари асосида «Афғонистон бўйлаб 17 кун» номли асар ёзди. Эътиборингизга мазкур китобдан бир боб ҳавола қилмоқдамиз.

БОҒИ БОБУРДА

Мустақиллик йиллари Президентимиз ташаббуслари билан хориждаги буюк аждодларимиз қабр-мақбараларини тиклаш, уларнинг бебаҳо меросини ўрганиш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилиб, Бобур халқаро жамғармасининг бу борадаги фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Юртбошимиз 2-чақириқ Олий Мажлиснинг XIII сессиясида жамғарманинг Навоий бобомиз қабрларини ободонлаштириш бўйича ташаббусларини маъқуллаб, бу савобли юмушнинг аҳамияти нақадар юксаклигини, уни амалга ошириш давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланишини маълум қилдилар. Дарҳақиқат, шундан сўнг Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари чиқарилиб, бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Боғи Бобур Кобулнинг жануби шарқ қисмида, четрокда эди. Унинг фақат ғарб — шаҳар тарафи очиқ, қолган уч томони унча баланд бўлмаган тоғлар билан ўралган — табиий ихоталанган.

Боққа олиб борувчи кўчанинг номи Жўйи шир бўлиб, осмон тоғига нисбат берилади ёки қисқа қилиб «Осмон» деб ҳам аталади.

Шери Дарвоза тоғи пойидаги Боғи Бобур ҳудуди аввал Гузаргоҳ дейилган. Хуллас, бу бахаво жойнинг бир вақтлар «Бобурнома»да таърифланганидек, ниҳоятда кўркам ва гўзал бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Боғнинг олд томонидаги — жануби ғарбдан шимоли ғарбгача бўлган кенг ҳудуд — Кобул шаҳри, унинг ортида, жанубий-ғарбда Қасри дориоломон — Омонуллоҳ подшоҳ (1919-1929 йиллар)нинг собиқ қароргоҳи қолдиқлари узоқда бўлса ҳам, яққол кўриниб туради. Шаҳарга ичимлик суви ўша ёқдан — қор кўп ёғадиган Поғомондан келади.

Боғда таъмирлаш бораётгани боис асосий дарвоза берк эди, бизни жануб томондаги анча баландликка — боғнинг нақ ўнг елкасидаги эшикка бошладилар. Бош ровотдан кириладиган бўлса, боғ тоғ ёнбағрида барпо қилингани учун унинг асосий қисми — Бобур қабри, намозгоҳ ва бошқа иншоотлар мавжуд тепаликка оралари кенг гулзор, бўлим-бўлим пиллапоялардан чиқиб бориларди.

Боғнинг қоқ ўртаси — марказидаги тўрт тарафи айвондан иборат бино, нозоратчи мўйсафид Абдул Воҳиднинг айтишича, меҳмонлар қабул қилинадиган, ҳар турли маросимлар ўтказиладиган клубга айлантириш мақсадида созланмоқда экан. Дарҳақиқат, аслида Арк бўлган мазкур ҳашаматли иморат деярли янги лойиҳа асосида қайта қурилмоқда, равоқ ва шифтларидаги шарқона гўзал нақшлар устидан замонавий, одми безаклар берилмоқда, айвонлари кенгайтирилмоқда.

Назоратчининг мамнунлик билан берган яна бир маълумотига кўра, урушлар сабабли одамлар қадами узилган ушбу қадамжога кейинги бир йилда зиёратчилар оқими кўпайган. Дарвоқе, бир вақтлар Наврўз байрамининг оммавий тантаналари мана шу гўшада ўтар, шаҳар аҳлининг ҳар турли курашлар, қизиқчилар, миллий рақслар ижро этиладиган жойи ҳам Боғи Бобур эди.

Боғ ва ундаги тарихий обидаларнинг Кобул шаҳри ҳокимлиги раҳнамолигида, шунингдек, ҳомийлар томонидан таъмирланаётганлигини айтишди. Ҳозирча унинг шарқий ва шимолий томонларига баланд девор урилган, боғ ҳудудининг табиий тузилишига кўра, шимол тарафдаги девор шарқий томон сари зина-зина шаклида кўтарилиб борган эди («Бобурийнома» китобида мазкур боғ тасвирлана туриб, муаллиф унинг «гир-атрофи баланд девор билан ўраб олинган»ини баён қилган. Демакки, кейинги жанглар даврида у деворлар ҳам бузилиб кетган).

Боғда девор тиклаш ва бошқа қурилишлар давом этмоқда, ёлланма хизматчилар турли юмушлар билан банд эдилар.

Зокиржон ака ушбу манзарани изоҳлаб: «Бу — Бобур Мирзонинг нафақат Ўзбекистон, нафақат Афғонистон халқига, балки бутун башариятга мансуб ва қадрлилигидан далолат», — деди ғурур билан.

Бобуршоҳ мақбарасидан қуйироқда жойлашган оқ мармарли масжид-намозгоҳ биноси атрофига ҳавозалар тикланган, усталар қизғин ишлашмоқда. Намозгоҳ томидаги саккиз минордан еттитаси бутун, биттаси синиб тушган бўлса керак, йўқ эди.

Ёдгорлик намозгоҳдан бир поғона юқоридаги кенг майдоннинг четида эди, унинг теварагида ҳам турли ёшдаги эркаклар ғимирлаб юришар: кимдир дўнг жойларни кўчириб, тупроғини ғилдирак аравада чуқур-ҳандақ жойларга олиб бориб тўкар, кимдир майда-чуйда ўнқир-чўнқирларни текислаб, тупроқ ичида қолган сағана тош бўлакларини қоқиб-силкиб оларди.

Мақбара Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз ватани — Андижоннинг Боғини айтилган.

Чапдаги мармар тош бобурийлар сулоласидан Оламгир II нинг қизи Гавҳарнисобегим лаҳадига мансуб экан.

Гулбаданбегим Бобур ҳазратларининг туғишган ва суюкли опаси Хонзодабегимнинг Қобилгоҳда вафот этиб, ўша жойга вақтинча дафн қилингани, уч ойдан кейин Бобур Мирзо хилхонасига кўчирилганини ёзган, лекин қабртошлардаги битиклар хиралашиб кетган, имло, тил билгучиларимиз — Фаррух, Муҳаммад Анвар ва Носиржонлар ҳарчанд уриндилар, лекин ўқиш имкони бўлмади.

Айрим тарихий манбаларда бошқача маълумотлар учрайди. Абулфазл Аллоомийнинг «Акбарнома», Муҳаммад Солиҳ Канбунинг «Амали Солиҳ», Муҳаммад Амин Қазвинийнинг «Подшоҳнома» ва бошқа асарларга суянган афғон адиби Халилулло Халилийнинг ёзишича, Бобур Мирзонинг шарқий тарафига унинг севимли ўғли Мирзо Ҳиндол, Акбаршоҳнинг укаси, Ҳумоюн подшоҳнинг ўғли Мирзо Ҳакимхонлар дафн этилган. Мирзо Ҳиндолнинг қизи, Жалолиддин Акбарнинг тўнғич хотини Руқия Султон бегим қабри эса боғнинг энг юқори сурпа-саҳнидадир.

Ёдгорликдан эллик-олтмиш қадам этақдаги подшоҳнинг оила аъзолари истиқоматгоҳлари деярли вайронага айланган: томлари ўпирилиб тушган, эшик-деразалари умуман қолмаган эди. Сал яроқли икки-учта хонасини уста-таъмирловчилар омборхона қилиб олишган экан, кириб кўрдик: деворлар қоп-қора — қачондир ёнғин юз бергани сезилиб турарди.

Марқад ва намозгоҳларнинг шимол томонида эса катта ҳовуз — чўмилиш ҳавзаси бўлиб, унга кун чиқиш тарафдаги тош зиналардан тушиларди. Болалар роҳат қилиб чўмилишмоқда эди. Бу ҳовузни ҳам Бобуршоҳ қурдирган, дейишди. Унга тушиладиган зиналар ва икки ёндаги деворларнинг ашёлари анча кейинги даврларга мансуб эди. Балки ҳовуз қадимий бўлса ҳам, кейинроқ жиҳозланган, қайта қурилгандир.

Ҳовузга жануби шарқ тарафдаги тоғдан тош ариқчада сув олиб келинган, ҳозир ҳам унда муздай, тиниқ обиҳаёт оқмоқда эди.

Маълумотларга кўра, Жаҳонгиршоҳ Руқия Султон бегим қабри устига сағана қурдирган, «ўз иморатлари билан оламга оро берган» (Қазвиний) Шоҳ Жаҳон эса ҳазрат фирдавсмаконнинг муборак қабри жойлашган боғни тартибга солишга аҳд қилиб, масжидни, ҳовузларни, хайр-эҳсонга келувчи бева-бечоралар учун шийпон ва бошқа иморатларни барпо қилдиради, боғнинг нақшинкор дарвозасини зарҳал қуббалар билан безатади. Ҳиндистонда омадли подшоҳ деб эътироф этилган, эҳсону мурувватлари, яхши амаллари, юксак ҳукмдорлик салоҳияти ва олижаноблик фазилатлари билан элу юрт меҳрини қозонган Шоҳ Жаҳон катта бобоси Бобуршоҳнинг Кобулдаги оромгоҳини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштиришда ҳам жонбозлик, катта ҳиммат кўрсатади. У бир гал Бобур мақбараси учун 15 минг рупия тортиқ қилади. Иккинчи гал — ҳукмронлигининг ўн тўққизинчи йилида давлат қароргоҳи боғига 2 лак (юз мингга тенг) 50 минг рупия, Шаҳраро ва Жаҳонаро иморатларига ҳамда Бобур боғига 2 лак 50 минг рупия сарфлаш ҳақида фармон беради.

Боғ Нодиршоҳ (Зоҳиршоҳнинг отаси) ҳукмдорлик пайтида (1929-1933 йиллар) тубдан таъмирланган, ободонлаштирилган экан. Лекин ана шундан бери ўтган салкам бир асрлик муддатда шамоллару иссиқ-совуқ ҳаво бу ерга ўз таъсирини ўтказган; бинолар тағин эскирган эди. Бунда биродаркушлик ва бошқа урушларнинг ҳам «ҳиссаси» бор, албатта.

Боғ ҳудудида дарахтлар камайиб кетган, собиқ аркнинг ёни ва орқасидаги улкан чинорлар — олис ўтмишдан ёдгорлик бўлиб қолган эди. Ҳатто, ўн бир йилгина аввал аскарлар экспедициямиз аъзоларига қоқиб беришган баяҳ тутлари («Бобурийнома» маърифий романи) ҳам йўқ, улар ўрнида ёш тут, ўрик ниҳоллари пайдо бўлган эди. Фақат, карнайгул сероб эди. Гулбарглари оқ, пушти очилган шу гулларгина боққа файз ва тароват бағишлаб турарди.

Боғни икки ёнбош ва орқадан ўраб, гўё қучоқлаб, кун чиқиш шамоли ва изғиринлардан ҳимоя қилиб турган тоғларнинг ён бағрларидаги, юқорида айтилгандай, ниҳоятда тартибсиз равишда қурилган (тартибли қуришнинг иложи ҳам йўқ экан-да) уйларда Кобул аҳлининг бир қисми яшар эди.

Яратганга шукрким, Бобур Мирзо ва Ҳумоюншоҳ қадамжоларини тавоф қилдик, Моҳимбегиму Ҳамидабону изларини босдик. Шоҳ ва шоирнинг ота юрт соғинчи, изтиробларини, фарзандларидан жудолик аламларини туйдик, Кобулга меҳр қўйишдан ўзга илож бўлмаганини англадик. Айни чоқда Юртбошимиз айтганларидек, бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзирли эканини яна бир бор юрагдан ҳис этдик...

Қамчибек КЕНЖА

Спорт

РАҚИБЛАРИ АНИҚ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда футбол бўйича Осиё чемпионлари лигаси баҳсларига қуръа ташланди. Йилдан йил нуфузи ортиб бораётган ушбу мусобақада қитъамизнинг ўн уч давлатидан энг кучли йигирма саккиз жамоа иштирок этиши кутилмоқда. Қуръага кўра, қатнашчилар тўрттадан етти гуруҳга бўлинган.

Миллий чемпионатимиз ғолиби ва Ўзбекистон кубоги соҳиби «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси қитъа чемпионлари лигасининг «А» гуруҳида иштирок этади. Ушбу гуруҳда ҳамюртларимиз Эроннинг «Фулад», Сурияннинг «Ал-Иттиҳод», Қувайтнинг «Ал-Қодисия» футболчилари билан кейинги босқичга бериладиган ягона йўлланма учун баҳс юритишади.

Осиё чемпионлари лигасида ўз дебютини бошлаётган яна бир вакилимиз Муборакнинг «Машъал» жамоаси эса қуръага кўра, мусобақанинг «В» гуруҳида қатнашадиган бўлди. Мубораклиқлар кейинги босқичга чиқиш учун қитъамизнинг номдор жамоаларидан саналган «Ал-Айн» (БАА), «Ал-Минаа» (Ироқ), «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) футболчиларига қарши майдонга чиқадилар.

Гуруҳ баҳсларининг қачон ўтказилиши кейинроқ маълум бўлади.

БЕКХЭМ КУНИГА 47 000 ФУНТ ТОПАДИ

Англиялик таниқли футболчи Дэвид Бекхэм ўзининг хусусий компаниясига келтираётган даромади ҳисоб-китоб қилинди, деб ёзади Англиянинг «Daily Telegraph» газетаси. Олинган сўнгги маълумотга қараганда, Бекхэм ўтган йили компания ҳисобига 17 335 937 ёки кунига 47 495 фунт стерлинг туширган экан.

Маълумки, футболчи Мадриднинг «Реал» клубида ўйнагани учун унга 4,4 миллион фунт стерлинг берилади. Қолган маблағлар эса футболчига реклама ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги иштирокларидан келади.

Эслатамиз, Бекхэм «Adidas», «Gillette», «Pepsi», қора ойнаклар ишлаб чиқарувчи «Police» ҳамда уяли алоқага дахлдор «Vodafone» каби йирик компаниялар билан шартнома тузган.

ОЛИМПИАДА ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Италиянинг Турин шаҳрида келаси йилнинг 10-26 февраль кунлари бошланадиган XX қишки Олимпия ўйинларида хавфсизликни таъминлаш учун барча чоралар кўрилмоқда. Хусусан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан 9 минг нафари ана шундай ишга жалб қилинар экан. Бу ҳақда Италия ички ишлар вазири Жузеппе Пизану ахборот берган. «Биз ҳушёрликни ошириб, ҳар қандай террорчилик хуружларини бартараф этишга ҳозиру нозир бўлиб туришимиз керак», дейди вазир.

Эслатамиз, 2004 йили Афинада бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида хавфсизликни таъминлаш учун 70 минг нафар ҳуқуқ-тартибот, 35 минг ҳарбий хизматчилар жалб этилган эди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 252
6342 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O`zA yakuni —
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda



НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилари ва талабалари муборак айём

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

қабул қилинганлигининг 13 йиллиги билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.

Истиқлол нури ҳамиша дилларга қувонч ва нурафшонлик олиб кирсин.

Юксак орзу ва ёруғ мақсадлар билан мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқиш ва ишларида улкан зафарлар ёр бўлсин. Илмимиз қанчалик чуқур бўлса келажагимиз ҳам шунчалик порлоқдир.

Институт мамлакатимизда ягона бўлиб, Президентимиз ташаббуси билан 1995 йил 7 июлда ташкил топган. Олий даргоҳда 5 та факультет, 19 та кафедра, 11 та таълим йўналиши бўйича бакалавриат, 5 та мутахассислик бўйича магистратура мавжуд. 2005-2006 ўқув йилида битирувчилар сони 531 нафарни ташкил этади.

Институт фаолиятининг асосий вазифаси республика кон-металлургия саноати соҳалари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, шу соҳани ривожлантириш, илмий таҳлил қилиш ҳамда жаҳон фани ва технологиясининг энг сўнгги ютуқлари негизида янги технологияларни яратиш ва мазкур технологияларни республикамизнинг муайян геологик ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий этишдир.

Кадрлар тайёрлашнинг сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаб олиб бормоқдамиз. 2600 га яқин талабага эга бўлган институтда 181 нафар профессор-ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Йирик корхоналарда институт кафедраларининг филиаллари очилган.

Ўқув ва илмий соҳада кенг кооперацияни амалга ошириш мақсадида Москва давлат кончилик университети, пўлат ва қотишмалар институти, геологик қидирув университети, Урал давлат техника университети, Украина миллий кончилик университети ҳамда Германиянинг Гамбург-Харбург университети, Голландиянинг Твенте университети, Даниянинг Аалборг университети, Германиянинг Фрайберг кончилик академияси билан тузилган шартномалар асосида илмий ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда. Сўнгги 3 йил давомида институтнинг 33 нафар профессор-ўқитувчиси Россия Федерациясининг нуфузли олий ўқув юртларида ва 12 нафар профессор-ўқитувчи чет давлатларнинг илғор таълим марказларида ўз малакаларини ошириб келдилар.

Институтда кон-металлургия саноатининг муаммоларига бағишланган «Истиқлол» илмий-амалий конференциясини ҳар йили ўтказиш анъанага айланган. 21-25 сентябрь кунлари бўлиб ўтган бу йилги конференция эса институт ташкил топганининг 10 йиллигига бағишланди. Ушбу Халқаро IV конференцияда хорижлик таниқли олимлар ҳам иштирок этишди.

Буюк ўзгаришларга пойдевор бўлган Конституциямиз байрами билан ҳамюртларимизни яна бир бор самимий табриклаймиз! Юртимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«САМАРҚАНД АВТОТЕХХИЗМАТ»
ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

бунёдкор Ўзбекистон халқини Бош Қомусимиз — КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ билан чин дилдан муборакбод этади.

Халқ манфаатлари йўлида ислоҳотларни давом эттириш учун шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий асослар Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган. Шу боис меҳнат жамоамиз хизмат кўрсатишнинг энг мақбул ва самарали йўлларидан илгарилаб бормоқда.

Эртамиз бугундан-да саодатли бўлишига шак-шабҳа йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб «Самарқанд автотеххизмат» «Нексия DOHC» русумидаги автомобиллар сотиб олишни сизларга таклиф этади.

«Нексия DOHC» ҳар томонлама қулай, тежамли ва ишончли автомашинадир.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 157-уй. Телефонлар: (8.3662) 34-22-26, 34-42-15

«САМАРҚАНД АВТОТЕХХИЗМАТ» ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ